• Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қонун лойиҳалари тайёрлаш устида иш олиб бориш, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ихтиёридаги масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун, Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бошқа қарорлари давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилишига ёрдам бериш ҳамда бу ишни назорат қилиш учун, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг доимий комиссиялари билан ҳамкорлик қилиш учун депутатлар орасидан Мандат комиссияси ва қўмиталар сайлайди.

**2-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажара бориб, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий идораси бўлмиш Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши самарали фаолият кўрсатишига ёрдам беришлари керак.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ССР қонунларининг ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ихтиёридаги масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш;

Ўзбекистон ССР қонунларини ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қабул қилган бошқа қарорларни амалга оширишга ёрдам бериш.

**3-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари янги сайланган Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Олий Кенгашнинг ваколат муддати даврига тузилади.

**4-модда.**

Қўмиталарнинг рўйхати Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ваколат муддати давомида, зарур бўлиб қолганда, янги қўмиталар ташкил этиши, илгари тузилган қўмиталарни тугатиши ва қайта тузиши, Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибига ўзгаришлар киритиши мумкин.

**5-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан раислар ва аъзолардан иборат таркибда сайланади. Мандат комиссияси ва қўмиталар раисларининг ўринбосарлари ҳамда комиссия ва қўмиталарнинг котиблари уларнинг мажлисларида сайланадилар ва кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати томонидан тасдиқланадилар.

**6-модда.**

Мандат комиссияси ва қўмиталар очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари орасидан сайланади.

Овоз бериш раиснинг номзоди бўйича алоҳида, сўнгра эса Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарорига биноан Мандат комиссияси, қўмита таркиби бўйича бир йўла ёки ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади.

**7-модда.**

Мандат комиссияси ва қўмиталарни тузиш чоғида Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ишчанлик фазилатлари, касб ва бошқа қизиқишлари, уларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий тажрибалари, эркин билдирилган хоҳиш-истаклари инобатга олинади.

Ўзбекистон ССР халқ депутати, қоида тариқасида, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг битта қўмитаси ёки комиссияси аъзоси қилиб сайланиши мумкин.

**8-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ёки қўмитасининг раиси қилиб сайлашга тавсия этилган Ўзбекистон ССР халқ депутати Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида сўзга чиқиб, ўз фаолият дастурини баён этиши мумкин. У сессия қатнашчиларининг саволларига жавоб беради.

**9-модда.**

Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг таркибига доир таклифлар комиссия ёки қўмиталарнинг раислари томонидан тайёрланиши мумкин.

**10-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Прокурори Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибига сайлана олмайдилар.

**11-модда.**

Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибига сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ҳаммаси тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

Мандат комиссияси ёки қўмита таркибига сайланмаган Ўзбекистон ССР халқ депутати уларнинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

**12-модда.**

Депутатларнинг Мандат комиссияси ва қўмиталаридаги ваколатларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши шу кишиларнинг илтимосларига кўра, шунингдек, уларнинг ўз вазифаларини бажаришини мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган ҳолатлар муносабати билан муддатидан аввал тўхтатиши мумкин.

Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибини янгилаш тўғрисидаги таклифларни Мандат комиссияси ва қўмиталар муҳокама қилади ва бу таклифлар Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг розилиги билан уларнинг раислари томонидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида кўриб чиқиш учун киритилади.

**13-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ёки қўмиталари таркибига сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари комиссияси ёки қўмитанинг таклифига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, унинг Раёсати Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг топшириқларини бажариш учун зарур бўлган даврга ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилишлари мумкин, бунда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон ССР бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

**14-модда**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши олдида масъулдирлар ва унга ҳисоб берадилар.

**15-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ишини юритиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларни тузиш тартиби ва фаолияти масалалари Ўзбекистон ССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иш тартиби, ушбу Қонун билан ва шуларга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан белгиланади.

**16-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз ишларини масалаларни коллектив равишда, эркин муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик ҳамда Мандат комиссияси ва қўмиталар аъзоларининг кенг ташаббускорлиги асосида ташкил этадилар.

**17-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг раислари лавозимларига кўра Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати таркибига кирадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қўмитасининг Раиси бошқа бирор-бир ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

**18-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати:

қўмиталарнинг келишиб баҳамжиҳат ишлашини ташкил этиш учун зарур чора-тадбирлар кўради;

халқ депутатларини, давлат ва жамоат идоралари вакилларини Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг мажлисларидан хабардор қилиб туради.

Мандат комиссияси ва қўмиталарни улар қараб чиқадиган масалаларга доир материаллар ва ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлайди;

қўмиталар фаолияти илмий-методик, техникавий жиҳатдан таъминланишига кўмаклашади, уларга ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа зарур ёрдам кўрсатади;

Сессияларнинг кун тартиби ва иш тартиби лойиҳаларини тайёрлаш чоғида Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг таклифларини умумлаштиради ҳамда уларни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши муҳокамасига топширади.

## II. МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРНИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**19-модда.**

СССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ишларини ўз режаларига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарлари топшириқлари ва тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

**20-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни юксак самара билан ҳал этиш мақсадида ўз таркибидан фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича тайёрлов комиссияларини тузиши мумкин.

**21-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўзлари қараб чиқаётган масалаларни тайёрлаш ҳамда пухта ишлаб чиқиш учун ўз ишларига комиссия ва қўмиталар таркибига кирмаган Ўзбекистон ССР халқ депутатларини жалб этишга, ишчи гуруҳлари тузишга ҳақлидирлар. Ишчи гуруҳларига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари билан бирга вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг, идораларнинг, бошқа давлат ва жамоат идоралари ва ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар кириши мумкин. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси, қўмиталари қўшма ишчи гуруҳлари тузишлари мумкин. Ишчи гуруҳлари таркибида ишлаш даврида мутахассислар ва олимларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ сақланиб қолади.

**22-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўзларининг ихтиёридаги масалаларни қараб чиқиш чоғида тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда тенг вазифаларни бажарадилар.

**23-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг аъзолари Мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятида иштирок этишлари, уларнинг қарорларини амалга оширишга кўмаклашишлари, комиссия ва қўмиталарнинг топшириқларини бажаришлари шарт.

**24-модда.**

Мандат комиссияси ёки қўмитанинг аъзоси комиссия ёки қўмита қараб чиқаётган барча масалаларда ҳал қилувчи овоздан фойдаланади, комиссияда ва қўмитада қараб чиқиш учун исталган масалаларни ва таклифларни киритиш, уларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қарор қабул қилишда, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Мандат комиссияси ва қўмитанинг қарорларини бажаришни ташкил этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мандат комиссияси ёки қўмита томонидан таклифлари қўллаб-қувватланмаган Мандат комиссияси ёки қўмитанинг аъзоси ушбу масала Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида муҳокама қилинаётган пайтда таклифларини ёзма ёки оғзаки тарзда киритиши мумкин.

**25-модда.**

Мандат комиссияси ёки қўмита аъзосига комиссия ёки қўмита қараб чиқаётган барча масалаларни ҳал этишда фаол қатнашиш учун шароит яратиб берилади, бунинг учун зарур ҳужжатлар ва бошқа материаллар унга олдиндан юборилади.

**26-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг аъзолари комиссия ва қўмиталарнинг топшириғига биноан ҳамда ўз ташаббуслари билан масалаларни жойларда ўрганадилар, давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини умумлаштирадилар ҳамда комиссия ёки қўмиталарга ўз хулоса ва таклифларини маълум қиладилар.

**27-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг мажлислари заруратга қараб чақирилади ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлислари ўртасида ҳам, шунингдек сессиялар оралиғидаги даврда ҳам ўтказилади.

**28-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг мажлислари, агар уларда комиссия ёки қўмита таркибининг камида ярми ҳозир бўлса, қонуний кучга эга бўлади. Мажлисга келиш имконияти бўлмаган тақдирда комиссия ёки қўмита аъзоси бу ҳақда Мандат комиссияси ёки қўмита раисига хабар қилади.

**29-модда.**

Мандат комиссияси ва қўмиталар ёки бир неча қўмита ихтиёридаги масалалар мандат комиссияси ва қўмиталар томонидан ҳамкорликда тайёрланиши ҳамда қараб чиқилиши мумкин.

Мандат комиссияси ва қўмитанинг ёки қўмиталарнинг қўшма мажлисларини уларнинг раислари ўзаро келишилган ҳолда бошқарадилар.

Мандат комиссияси ёки қўмита ўзи қараб чиқаётган масалалар бўйича бошқа қўмиталарнинг фикрини сўраши мумкин.

**30-модда.**

Агар Мандат комиссияси ёки қўмиталар қараб чиқмоқ учун ўзига топширилган масала бошқа қўмитага ҳам дахлдор деб ҳисобласа ёки бошқа қўмита қараб чиқаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириши зарур деб топса, у ҳолда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раисига бу хусусда таклиф киритишга ҳақли.

Мандат комиссиясининг, бошқа қўмиталарнинг илтимосига биноан қўмита ўз ихтиёридаги масалалар бўйича шу комиссия ёки қўмиталар қараб чиқаётган масалаларни тайёрлашда қатнашиши мумкин.

**31-модда.**

Айнан бир масала бўйича Мандат комиссияси, қўмиталарнинг фикри турлича бўлган тақдирда улар келишмовчиликни бартараф этиш чораларини кўрадилар. Ана шу мақсадда ушбу қўмиталар таркибига кирадиган халқ депутатлари орасидан муросага келтирувчи гуруҳлар тузилиши мумкин. Агар улар келиша олмасалар, ўз таклифларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши эътиборига етказадилар.

**32-модда.**

Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан Мандат комиссияси, қўмиталар тавсия тарзида қарорлар қабул қиладилар ва хулосалар чиқарадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси қўмиталарида барча масалалар комиссия ёки қўмита аъзолари умумий таркибининг оддий кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Қўшма мажлислар ўтказилаётганда қарорлар Мандат комиссияси ёки қўмиталар аъзолари умумий таркибининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**33-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси, қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Мажлисларга давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар таклиф этилиши мумкин, улар мажлисларда маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашадилар.

Зарур бўлган тақдирда Мандат комиссияси ёки қўмита ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**34-модда.**

Мандат комиссияси ёки қўмитанинг раиси уларнинг ишига раҳбарлик қилар экан:

зарур материалларнинг тайёрланишини ташкил этади, комиссия ёки қўмитанинг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

комиссия ёки қўмита аъзоларига топшириқлар беради, уларга комиссия ёки қўмита фаолияти билан боғлиқ материаллар ва ҳужжатларни юборади;

тайёрлов комиссиялари ва ишчи гуруҳларининг ишида қатнашиш учун, шунингдек, комиссия ёки қўмитанинг бошқа топшириқларини бажариш учун комиссия ёки қўмита аъзоларини чақиради;

давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларининг вакилларини, мутахассис ва олимларни комиссия ёки қўмита ишида қатнашишга таклиф этади;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессияларида, давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотлари билан бўладиган муносабатларда комиссия ёки қўмита номидан вакиллик қилади;

комиссия ёки қўмита қарорларини бажариш юзасидан ишларни ташкил этади;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига унинг топшириқларини бажариш юзасидан ахборот беради;

комиссия ёки қўмитанинг қарорлари бажарилганлиги ва унинг тавсиялари қараб чиқилганлиги ҳақида комиссия ёки қўмита аъзоларига ахборот беради.

**35-модда.**

Мандат комиссияси ёки қўмита раисининг ўринбосари раис берган ваколатга кўра унинг айрим вазифаларини бажаради ҳамда раис йўқ бўлганда ёки у ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолларда раис вазифасини бажариб туради.

**36-модда.**

Мандат комиссиясининг ёки қўмитанинг котиби комиссия ёки қўмита Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Котибиятининг тегишли бўлинмалари билан самарали ишлашини таъминлайдиган мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

комиссия ёки қўмита иш режасининг лойиҳасини тайёрлайди;

унинг бажарилишини назорат қилади;

комиссия ёки қўмитанинг ёзишмаларини ва иш қоғозлари юритишни идора қилади.

**37-модда.**

Мандат комиссияси ёки қўмитанинг қарорлари, хулосалари ва мажлис баёнларини комиссия ёки қўмита раиси имзолайди.

Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг биргаликдаги қабул қилган қарорлари ҳамда улар томонидан ҳамкорликда тайёрланган хулосаларни, шунингдек биргаликдаги мажлисларнинг баёнларини уларнинг раислари имзолайдилар.

## III. МАНДАТ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ҚЎМИТАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

**38-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида қонун лойиҳалари таклиф этишга тенг ҳуқуқлидирлар.

Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССРнинг янги қонун лойиҳаларини, Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларини ўзгартириш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини киритиш шаклида, шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг янги қонунларини қабул қилиш ёки Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифларни (қонунчилик борасидаги таклифларни) киритиш шаклида амалга оширилади.

**39-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига Ўзбекистон ССРнинг қонун лойиҳаларини ва давлат ҳаётининг бошқа ғоят муҳим масалаларини халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлидир.

Фуқаролардан, меҳнат жамоаларидан, муассасалардан ва ташкилотлардан қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан муҳокама давомида тушган таклифлар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда қараб чиқилади ва умумлаштирилади.

**40-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясининг кун тартиби юзасидан таклифлар киритиш, ўз ихтиёрларидаги масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мажлисларида маъруза ва қўшимча маъруза билан сўзга чиқиш ҳуқуқига эга.

Мандат комиссияси ва қўмиталар ўзлари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига киритган масалалар бўйича ёхуд дастлабки тарзда ёки қўшимча равишда қараб чиқиш учун комиссияга ё бўлмаса қўмиталарга берилган масалалар бўйича ўз маърузачилари ёки қўшимча маърузачиларини белгилайдилар.

Мандат комиссияси ва қўмиталар ўзлари биргаликда тайёрлаган масалалар бўйича қўшма маърузалар ёки қўшимча маърузалар билан сўзга чиқишлари ёхуд ўз таклиф ва мулоҳазаларини алоҳида тақдим этишлари мумкин.

**41-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 113-моддасига мувофиқ Мандат комиссияси ва қўмиталар Ўзбекистон ССР Президентига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раисига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши тузадиган ёки сайлайдиган бошқа идораларнинг раҳбарларига, шунингдек Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига Ўзбекистон ССР ихтиёридаги масалалар юзасидан сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгалар.

**42-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз ихтиёрларидаги масалалар бўйича давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларидан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, ёзма хулосалар, ҳисобот маълумотлари ва бошқа материалларни беришни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Барча давлат ва жамоат идоралари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг талабларини бажаришлари, уларга зарур материалларни ва ҳужжатларни беришлари шарт.

**43-модда.**

Давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, бошқа мансабдор шахслар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталарига нотўғри ахборот берганликлари ёхуд ахборотни атайин яширганликлари учун Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**44-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз ихтиёрларидаги масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Ҳукуматига таклифлар билан кириш ҳуқуқига эгадирлар.

**45-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг аъзоларини, Ўзбекистон ССР вазирликлари, давлат қўмиталари, ва идораларининг раҳбарларини, Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг, Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини ўз мажлисларига таклиф этиб, уларнинг Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарорлари, Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг тавсиялари қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини тинглашга ҳақлидирлар.

Мандат комиссияси ёки қўмитанинг таклифига кўра мазкур ташкилотнинг раҳбарлари ёки вакиллари комиссия ёки қўмитанинг мажлисига келишга ҳамда улар қараб чиқаётган масалалар бўйича тушунтиришлар беришга мажбурдирлар.

Мандат комиссияси ва қўмиталар тегишли идоралар ва ташкилотларни қараб чиқиладиган масалалар хусусида барвақт хабардор қиладилар.

**46-модда.**

Ўзбекистон ССР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа умумиттифоқ, республика ва маҳаллий давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотларининг фаолиятига доир масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ишлаб чиққан тавсиялар тегишли идораларга ва ташкилотларга юборилади ҳамда зарур ҳолларда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига, Ўзбекистон ССР Ҳукуматига маълум қилинади.

**47-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг тавсияларини давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотлари кўриб чиқишлари шарт. Кўриб чиқиш натижалари ёки кўрилган чоралар ҳақида комиссия ёки қўмиталарга, агар Мандат комиссияси ёки қўмиталар бошқа муддат белгилаган бўлмасалар, узоғи билан бир ой муддат ичида хабар берилиши лозим.

**48-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат қўмитаси томонидан давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ҳужжатлари Ўзбекистон ССР Конституциясига ҳамда Ўзбекистон ССРнинг қонунларига қанчалик мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлаш хусусида таклиф киритиши мумкин.

## IV. ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**49-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бошқа қарорлари, қоида тариқасида, уларнинг лойиҳалари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссиясида, тегишли қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама этилгандан кейин қабул қилинади. Қонунларни тайёрлаш, қабул қилиш, ушбу масалаларда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг иштирок этиш тартиби Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Иш тартиби билан белгиланади.

**50-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг топшириғига биноан ёки ўз ташаббусларига кўра комиссия ёки қўмиталар ихтиёридаги масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР қонунларининг ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқадилар, қонунларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тайёрлайдилар.

**51-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталари давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг тегишли тармоқларидаги аҳвол ҳамда уларни ривожлантириш масалаларини дастлабки тарзда қараб чиқадилар ва тайёрлайдилар, шу масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқадилар.

**52-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раисига келиб тушган қонун лойиҳалари ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклифлар дастлабки тарзда қараб чиқиш ҳамда улар устида бундан буён иш олиб бориш тартиби тўғрисида таклифлар тайёрлаш учун Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ёки тегишли қўмиталарига ва айни бир вақтда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасига юборилади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати қонун лойиҳаси тайёрловчи бош қўмитани белгилайди.

**53-модда.**

Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари ва қонун чиқариш ҳақидаги таклифлар қараб чиқмоқ учун уларни ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган, бўлғуси қонунларнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий қоидалари батафсил таърифланган ҳолда, шунингдек уларни қўллашдан кутилаётган ижтимоий-иқтисодий оқибатларни кўрсатган ҳолда тақдим этилади. Бунда қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этган жамоалар ва шахслар кўрсатилади. Амалга оширилиши қўшимча моддий ва бошқа харажатларни талаб қиладиган лойиҳаларни тақдим этиш чоғида уни молиявий-иқтисодий асослайдиган ҳужжатлар илова этилади.

**54-модда.**

Ўзбекистон ССР қонун лойиҳаларини ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклифларни қараб чиқиш тартибини Мандат комиссияси ёки тегишли қўмита Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Иш тартибининг талабларига мувофиқ мустақил белгилайди.

**55-модда.**

Депутатларнинг тайёрлов комиссияси ёки ишчи гуруҳи тайёрланаётган лойиҳани халқ депутатлари тегишли Советларининг иштирокида жойларда — меҳнат жамоаларида, илмий муассасаларда, жамоат ташкилотларида, фуқароларнинг йиғилишларида, ижтимоий ташаббускор идораларда дастлабки тарзда муҳокама қилиш ҳақида шу қонун лойиҳаси ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклиф бўйича бош деб ҳисобланган комиссия ёки қўмита розилиги билан қарор қабул қилишга ҳақли.

**56-модда.**

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш давомида тушган таклиф ва мулоҳазалар депутатлар тайёрлов гуруҳи томонидан ҳамда бу гуруҳнинг иш натижалари тўғрисидаги маърузаси бўйича бош қўмитанинг мажлисларида кўриб чиқилади.

**57-модда.**

Зарур ҳолларда қонун лойиҳалари илмий экспертизага юборилади, улар юзасидан Ўзбекистон ССР ҳукуматининг хулосаси, Ўзбекистон ССР ҳамда Қорақалпоғистон МССР тегишли вазирликлари ва идораларининг, давлат ва жамоат идораларининг шунингдек мутахассис олимларнинг фикри сўралиши мумкин.

**58-модда.**

Мандат комиссияси ва қўмиталар ўрганиб чиқиш учун ўзларига берилган қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда қараб чиқиш натижалари юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига ўз хулосаларини тақдим этадилар. Хулосаларда Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш ёки қонун лойиҳаси устида ишлашни худди шу ёки бошқа таркибда давом эттириш тўғрисидаги таклиф бўлади.

**59-модда.**

Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш чоғида қонун лойиҳасининг ташаббускори бўлган бош комиссия ёки қўмита Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида маъруза қилади, ташаббускор бўлмаган комиссия ёки қўмита эса қўшимча маъруза қилади.

Шундан кейинги ўқишларда Мандат комиссияси ёки қўмиталар маъруза билан ҳам, қўшимча маърузалар билан ҳам чиқишлари мумкин.

**60-модда.**

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 102 ва 112-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Вице-Президентини, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарларини, ўринбосарларини, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон ССР Олий суди таркибига кирувчи бошқа мансабдор шахсларни, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитаси Раисини, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди Раисини, вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Раисини, Ўзбекистон ССР Давлат банки бошқарувининг Раисини тасдиқлаш, тайинлаш ёки сайлаш, ҳукумат томонидан тайёрланган Ўзбекистон ССР бюджетини, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим республика дастурини тасдиқлаш, шунингдек тасдиқланган бюджетни, дастурларни ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлаш Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши тегишли қўмиталарининг хулосалари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

**61-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан сайланиши, тасдиқланиши ёки тайинланиши керак бўлган мансабдор шахсларнинг номзодларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш тартиби Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан белгиланади.

**62-модда.**

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг тегишли қўмиталарига Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ёхуд Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий суди ва Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг ҳисоботларини хулосалар бериш учун юборади, қўмиталар ўз хулосалари билан бирга ушбу ҳисоботлар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарорларининг лойиҳаларини тайёрлайдилар.

(Давоми учинчи бетда).

